



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 26 » avgust

№ 538

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатлар оғир юкли ва катта ҳажмли транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юриши учун тўловлар тўғрисидаги низомнинг 6-8-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Транспорт воситасининг умумий ҳақиқий массаси рухсат берилганига нисбатан ошганлиги учун тўланадиган тўлов 1-жадвалда келтирилган тарифларга мувофиқ белгиланади.

1-жадвал

Умумий ҳақиқий вазнининг йўл қўйиладиган вазнга нисбатан ортиқча миқдори, тн	Юриладиган 1 км масофа учун тариф, сўмда (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан фоизда)
0 дан 5 гача	0,08
5 дан 10 гача	0,12
10 дан 15 гача	0,24
15 дан 20 гача	0,42
20 дан 25 гача	0,63
25 дан 30 гача	0,97
30 дан 35 гача	1,39
35 дан 40 гача	1,94
40 дан 45 гача	2,66
45 дан 50 гача	3,59
50 ва ундан юқори	4,22

Оғир юкли транспорт воситаларининг автомобиль йўлларидадан ўтишида ўққа тушадиган ҳақиқий оғирликнинг (Оф) рухсат берилганга (Од) нисбатан ошганлиги учун тўлов ҳар бир ортиқча юкланган юк учун 2-жадвалда келтирилган тарифларга мувофиқ ундирилади.

2-жадвал

Гилдирак ўқи ҳақиқий юкламасининг йўл қўйиладиган юкламага нисбати (Оф/Од)	Ҳар бир ўқнинг йўл қўйиладиган юкламадан ортиқча юклама билан юрилган масофа учун тариф, сўмда (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан фоизда)
1,01 дан 1,05 гача	0,23
1,05 дан 1,10 гача	0,25
1,10 дан 1,15 гача	0,59
1,15 дан 1,20 гача	0,76

1,20 дан 1,25 гача	0,89
1,25 дан 1,30 гача	1,06
1,30 дан 1,35 гача	1,27
1,35 дан 1,40 гача	1,48
1,40 дан 1,45 гача	1,73
1,45 дан 1,50 гача	2,03
1,50 дан 1,55 гача	2,32
1,55 дан 1,60 гача	2,70
1,60 дан 1,65 гача	3,08
1,65 дан 1,70 гача	3,59
1,70 дан 1,75 гача	4,01
1,75 дан 1,80 гача	4,55
1,80 дан 1,85 гача	5,15
1,85 дан 1,90 гача	5,82
1,90 дан 1,95 гача	6,50
1,95 дан 2,00 гача	7,30
2,00 ва ундан юқори	8,44

7. Транспорт воситалари ҳажмларининг ортиқчалиги учун тўлов юриб ўтилган 1 км йўл учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда – БҲМ) 0,32 фоизи миқдорида ундирилади.

8. Оғир юкли ва йирик габаритли транспорт воситалари ўтиши учун аризаларни кўриб чиқиш, йўналишни келишиш ҳамда рухсатнома бериш учун тўланадиган тўлов миқдори “Лицензия” автоматлаштирилган ахборот тизимида қуйидаги тарзда ҳисобланади:

100 км га қадар БҲМнинг 54 фоизи миқдорида;

хар бир кейинги км учун БҲМнинг 0,24 фоизи миқдорида”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби қуйидаги мазмундаги 6⁵-банд билан тўлдирилсин:

“6⁵. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан “Ватандош” картаси амал қилиш даврида “Ватандош” картаси эгаларининг оила аъзолари (ота-онаси, эри (хотини) ва вояга етмаган фарзандлари)га амалдаги виза муддатини узайтиришда кўп марталик визалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтирилиб берилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Мактаб ва мактабдан ташқари таълим, маданият ва спорт муассасалари педагог ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларининг 4-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

4.	Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси	3,396	3,178	2,961	2,753	2,552	„
----	---	-------	-------	-------	-------	-------	---

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Бакалаврият босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу Низом Камолиддин Бехзод номидаги ва “Олий Бош қўмондон” давлат стипендияларини тайинлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорида:

а) 1-илованинг 41-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини олиб кириш ва четга олиб чиқишга рухсатнома бериш учун аризаларни кўриб чиқишда ҳар гал:

жисмоний шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 коэффиценти миқдорида;

табиатдан фойдаланувчилардан — юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,2 коэффиценти миқдорида ундирилади.

Ариза кўриб чиқилгани учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди”;

б) 2-илованинг 38-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38. Ёввойи ҳайвонларни, уларнинг қисмларини олиб кириш ва четга олиб чиқишга рухсатнома бериш учун аризаларни кўриб чиқишда ҳар гал:

жисмоний шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 коэффиценти миқдорида;

табиатдан фойдаланувчилардан — юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,2 коэффиценти миқдорида ундирилади.

Ариза кўриб чиқилгани учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг жазони ижро этиш муассасаларида фаолият кўрсатаётган умумтаълим муассасалари рўйхати қуйидаги мазмундаги 7 ва 8-бандлар билан тўлдирилсин:

“7. Тошкент вилояти Пискент туманидаги 9-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Биринчи минтақавий ҳудуд 50-сон манзил-колонияси қошидаги филиали.

8. Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги 14-умумтаълим мактабининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги

Жазони ижро этиш департаменти Учинчи минтақавий ҳудуд 29-сон манзил-колонияси қошидаги филиали”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ваколатхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 ноябрдаги 933-сон қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

“5¹. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан, заруратга кўра, тасдиқланган бюджет доирасида UzFDIнинг харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин”;

б) 1-илованинг 7-позицияси “Лавозими” устунидаги “Бош ҳисобчи ва офис менежер” сўзлари “Бош ҳисобчи, офис менежер ва ҳайдовчи” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 941-сон қарори билан тасдиқланган “Нукус” ЭИЗ таркибига кирувчи ҳудудлар чегараси таърифи қуйидаги мазмундаги “9-ер участкаси” бўлими билан тўлдирилсин:

“9-ер участкаси

1-бошланғич нукта Беруний тумани, “Абай” МФЙ ҳудуди А-380 автомобиль йўли бўйидан жанубий томонда 92 метр масофа узоқликда жойлашган.

1-нуқтадан жануби-ғарбий йўналишда 211,7 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан А-380 автомобиль йўли бўйлаб шимоли-ғарбий йўналишда 1092 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуқтадан шимоли-шарқий йўналишда А-380 автомобиль йўли томонга 211,7 метр масофада 4-нуқтагача давом этади.

4-нуқтадан А-380 автомобиль йўли бўйлаб жануби-шарқий йўналишда 462 метр масофада 5-нуқтагача давом этади.

5-нуқтадан жануби-ғарбий йўналишда 114,1 метр масофада 6-нуқтагача давом этади.

6-нуқтадан жануби-шарқий йўналишда А-380 автомобиль йўли бўйлаб 84,6 метр масофада 7-нуқтагача давом этади.

7-нуқтадан шимоли-шарқий йўналишда А-380 автомобиль йўли томонга 112,0 метр масофада 8-нуқтагача давом этади.

8-нуқтадан жануби-шарқий йўналишда А-380 автомобиль йўли бўйлаб 528,0 метр масофада 1-нуқтагача давом этади”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар

тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу Низом Камолиддин Беҳзод номидаги ва “Олий Бош қўмондон” давлат стипендияларини олувчи талаба ва курсантларга стипендиялар тайинлаш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди”.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон қарори билан тасдиқланган Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомнинг 57-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“кичик саноат зоналари ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун аукцион орқали ер ижарага олинганда ижара тўловлари лойиҳа ишга тушгунга қадар, бироқ 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга тўлашни кечиктириб тўлаши мумкин”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 майдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган “Чироқчи” эркин иқтисодий зонаси таркибига кирувчи ҳудудларнинг чегаралари қуйидаги мазмундаги олтинчи-ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Чироқчи” ЭИЗнинг Қашқадарё вилояти Китоб тумани “Макрид” МФЙ ҳудудидаги 37,4 гектар ер майдони, қуйидаги чегаралар билан:

ғарб томондан – “Мухтор арзи Камол” фермер хўжалиги;

шимол томондан – “Юқори Чил” фермер хўжалиги ва “Абдул Воҳид Муртазохон ўғиллари” фермер хўжалиги ер майдони;

шарқ томондан – яйлов ва дала йўли;

жануб томондан – аҳоли яшаш пункти ҳудуди”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорининг 3-банди “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 22¹-банд билан тўлдирилсин:

“22¹. “Ватандош” картасига эга чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча рўйхатга олиш “Ватандош” картасининг амал қилиш муддатига амалга оширилади.

“Ватандош” картаси эгаларининг оила аъзолари (ота-онаси, эри (хотини) ва вояга етмаган фарзандлари)ни вақтинча рўйхатга олиш тақдим этилган визанинг амал қилиш муддатига (улар учун халқаро шартномалар асосида визасиз режим ўрнатилган хорижий давлатлар фуқаролари учун – “Ватандош” картаси эгасининг вақтинча рўйхатга олинган муддатига) амалга оширилади”.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги 602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Хавфсиз туризм жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламентининг 32¹-банди куйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ватандош” картасига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчмас мулк сотиб олишда уларга нисбатан мазкур бандда кўрсатилган кўчмас мулкнинг қиймати татбиқ этилмайди ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди”.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 280-сон қарори билан тасдиқланган Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг олтинчи хатбошиси “Давлат ташкилотининг дипломли аудитори (CGAP)” сўзларидан кейин “Сертификатланган профессионал Ички аудитор” (DipCPIA) сертификати” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) куйидаги мазмундаги 5¹-боб билан тўлдирилсин:

**“5¹-боб. Малака имтиҳони натижалари юзасидан апелляция бериш
ва уни кўриб чиқиш тартиби**

35¹. Малака имтиҳони натижаси бўйича уларга нисбатан салбий қарор чиқарилган талабгорлар малака имтиҳони натижалари эълон қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади.

Апелляция комиссияси берилган апелляцияни ўн календарь кун ичида кўриб чиқади.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида апелляция берган номзод бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши мумкин. Бунда апелляция берган номзод апелляцияни кўриб чиқиш жараёни ўтказиладиган сана ва шакли тўғрисида уч кун олдин электрон почта ёки СМС-хабарнома орқали хабардор қилинади.

35². Апелляция комиссияси аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан тузилади.

Апелляция комиссияси беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади ҳамда унинг таркибига Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан бир нафар ҳамда аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларидан вакиллар киритилади.

Апелляция комиссияси раиси ҳамда котиби аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг вакилларида тайинланади.

Апелляция комиссияси ҳужжатларини юритиш ва баённомаларни расмийлаштириш апелляция комиссияси котиби томонидан амалга оширилади.

Апелляция комиссияси таркиби ҳар икки йилда белгиланган тартибда янгиланади.

Апелляция комиссияси йиғилишида апелляция комиссияси раиси ҳамда комиссия қолган аъзоларининг камида икки нафари иштирок этган тақдирда, йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

35³. Апелляция комиссияси малака имтиҳони натижаларини аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг маълумотлари асосида баённома тузиш орқали расмийлаштиради.

Апелляция комиссияси йиғилиши видеоёзувга туширилади ва ушбу видеоёзувлар апелляция комиссияси баённомасига илова қилинади.

Баённома апелляция комиссияси раиси томонидан (раис қатнашмаган тақдирда, раис ўринбосари томонидан) тасдиқланади ва йиғилишда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

35⁴. Апелляцияни кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

талабгорнинг эътирозлари ўз тасдиғини топиб, саволлар ёки жавоблар нотўғри экани аниқланганда ҳамда балларни қайта ҳисоблаш натижасида даъвогарнинг балли белгиланган ўтиш баллига етган ёки ундан ошган тақдирда, апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳамда имтиҳон натижаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

талабгорнинг эътирозлари ўз тасдиғини топмаган ёки талабгорнинг эътирозлари ўз тасдиғини топиб, балларни қайта ҳисоблаш натижасида даъвогарнинг балли белгиланган ўтиш баллига етмаган тақдирда, комиссия қарорини ўзгаришсиз қолдириш;

малака имтиҳонини ўтказиш жараёнида ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, малака имтиҳонини қайтадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

35⁵. Малака имтиҳонини қайтадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари малака имтиҳонини топшира олмаган деб ҳисобланган даъвогар учун қайтадан имтиҳон топшириш кунини белгилайди.

35⁶. Қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчи ёзма равишда (электрон почта орқали) хабардор қилинади.

35⁷. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди. Талабгор Апелляция комиссияси қароридан норози бўлса, белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин”;

в) қуйидаги мазмундаги 50¹-банд билан тўлдирилсин:

“50¹. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш рад этилгани устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин”;

г) 58-банддаги “Молия” сўзи “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси тўғрисидаги низомнинг 23-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда Ёшлар саноат зоналари ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукцион орқали ер ижарага олинганда, ижара тўловлари лойиҳа ишга тушгунга қадар, бироқ 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга кечиктириб тўланиши мумкин”.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Савдо ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 июлдаги 463-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Инвестициялар ва ташқи савдо” сўзлари “Инвестициялар, саноат ва савдо” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Инвестициялар ва ташқи савдо” сўзлари “Инвестициялар, саноат ва савдо” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ваколатхона директори қонунчиликда белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва озод этилади;

в) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги
савдо ваколатхонаси штат жадвали**

АҚШ долл.

Т/р	Лавозими	Штат бирликлари сони	Ойлик иш ҳақи (2025 йил 1 сентябрдан)	Ойлик иш ҳақи (2025 йил 1 октябрдан)	Йиллик иш ҳақи тўлаш фонди*
Жами		10	22 855	32650	251 568
1.	Директор	1	3 150	4 500	34 673
2.	Директор ўринбосари	1	2 975	4 250	32 746
3.	Инвестиция масалалари бўйича менежер	1	2 625	3 750	28 894
4.	Молия институтлари билан ишлаш бўйича менежер	1	2 625	3 750	28 894
5.	Ташқи савдо масалалари бўйича менежер	1	2 625	3 750	28 894
6.	Ташқи савдо масалалари бўйича менежер	1	2 625	3 750	28 894
7.	Бош ҳисобчи	1	2 625	3 750	28 894
8.	Иш юритувчи	1	1 505	2 150	16 566
9.	Ҳайдовчи	1	1 365	1 950	15 025
10.	Фаррош	1	735	1050	8 090

**Ваколатхона ходимларига йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдоридан моддий рағбатлантириш тўловлари назарда тутилган.*

Ваколатхона ходимларига Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик иш ҳақига қўшимча равишда инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан ойлик иш ҳақининг 100 фоизгача бўлган миқдорда шахсий устамалар белгиланиши мумкин.

Ваколатхона ходимларининг ойлик иш ҳақлари ошishi ҳисобидан 2025 йилда қўшимча талаб этиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига асосан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади”.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 августдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 73-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Олий Бош кўмондон” давлат стипендияси соҳиби бўлган курсантлар бакалавриятни тамомлагач, камида икки йил ҳарбий хизматни (хизматни) ўтагандан сўнг, мутахассислиги бўйича беш йил мобайнида Университетнинг магистратурасига умумий қабул квота доирасида кириш имтиҳонларисиз ва мазкур банднинг биринчи хатбошидаги чекловларни инобатга олмаган ҳолда ўқишга қабул қилинади”.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомда:

а) 5-иловада:

5-позициянинг учинчи устунида:

тўққизинчи ва ўн еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўнинчи – ўн олтинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи – ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

8-позициянинг учинчи устунидаги “3 кун” сўзлари “уч иш куни” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позициянинг учинчи устунида:

ўн тўртинчи хатбоши “лицензиатда мавжудлиги” сўзларидан кейин “(агар мавжуд бўлса)” сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн тўққизинчи – йигирма биринчи хатбошилар тегишлича ўн саккизинчи – йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 27-иловада:

9-позициянинг учинчи устунида:

“б” кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қуйидаги талабларга жавоб берувчи моддий-техник базанинг мавжуд бўлиши: мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли бўлган, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлган лицензияланган фаолият турини амалга оширишга мўлжалланган бино ёки хоналар (тиббий фаолият йўналишида мобил иловалардан фойдаланган ҳолда масофадан туриб тиббий консультация ва кўрикни ташкил этишда мазкур талаб татбиқ этилмайди), шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги”;

“в” кичик банд қуйидаги мазмундаги ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“тиббиёт чиқиндиларини санитария-гигиена ва экология талабларига мос бўлган марказлаштирилган утилизация қилиш бўлими ташкил этилган ёки тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилувчи ташкилот билан шартнома тузилган бўлиши;

марказлаштирилган утилизация қилиш бўлими ташкил этилмаган тақдирда, тиббиёт чиқиндиларини уларнинг морфологик таркибига кўра турларга ажратган ҳолда утилизация қилиш корхоналарига топшириш”;

10-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари томонидан объектда шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги тўғрисидаги хулоса (5 иш куни ичида)”;

в) 29-иловада:

9-позициянинг учинчи устунида:

“л” кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги”;

10-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“	10. Лицензия беришда келишиладиган органлар:	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, “Зарур амалиётлар маркази” ДМ ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари (объектда ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқларсиз муҳит яратилганлиги тўғрисида). Бунда ушбу ваколатли органлар ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тегишли келишувни лицензияловчи органга тақдим этишлари лозим.”
---	--	--

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомда:

а) 11-иловада:

5-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги “в” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в) чет эллик ижодкорлар концерт дастури учун концерт дастурида ижро этиладиган кўшиқлар муаллифлари кўрсатиб ўтилган ҳолда тўлиқ матни;

тадбир ташкилотчиси ва хорижий санъаткор ўртасида тузилган шартнома (шартномада концертда бузғунчилик ғояларини тарғиб этмаслик, давлатлар ўртасида сиёсий жараёнларга муносабат билдирмаслик, одоб-ахлоқ қоидалари, саҳна маданияти ҳамда миллий маънавият ва қадриятларга салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда томошабинларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қилувчи хатти-ҳаракатлар қилмаслик каби талаблар тўлиқ акс эттирилиши шарт);

“Ўзбекконцерт” давлат муассасасига ўтказиладиган концерт-томоша тадбирининг батафсил тафсилотларигача ёритиб берилган аниқ сценарийси (талабгор томонидан киритилган ҳужжатлар келишиладиган органларга ҳам бир вақтнинг ўзида юборилади)”;

12-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарорни қабул қилиш учун “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ёки унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тадбир ўтказиладиган жойга чиққан ҳолда сценарийни ҳақиқатга тўғри келиши ўрганилади. Ўрганиш натижаси бўйича хулоса расмийлаштирилиб, ваколатли органга тақдим этилади”;

б) 14-илованинг 7-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

7.	Рухсат этиш хусусиятига эга хужжат берилгани учун ундириладиган йиғим:	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов МИҚДОРЛАРИ	
		Фойдаланиш объектлари	Ўсимликларни тайёрлаш учун рухсатнома қиймати Юридик ва жисмоний шахслар учун, базавий ҳисоблаш миқдорида коэффициентларда
		Қизил китобга киритилмаган ўсимликлар турлари, доривор ва озиқабоп ўсимликларнинг ёввойи турлари (қуруқ оғирлиги 1 кг) ҳамда тайёрлаш учун мўлжалланган ўсимликлар техник хомашёси (ўрганиш вақтида пиёзбошчадан ташқари, елим, шарбат, маймунжон меваси, малина, қорағат, чаканда, замбуруғ – ҳисоб хом ҳолда амалга оширилади)	
		Зира (уруғи)	0,035
		Турли данданал родиола (илдиз)	0,022
		Ёввойи ҳолда ўсувчи мойчечак (тўшгул)	0,015
		Оддий зирк (меваси), замбуруғ, яланғоч қизилмия, ковракнинг барча турлари, Самарқанд бўзночи	0,008
		Туркистон Аюгаси (живучка)	0,007
		Дўлана (гули, меваси), қора андиз, кийик ўт, илонпечак, каданопсис, икки уяли қичитқи ўт, лимон ўт, йирик япроқли алқор, Осиё ялпизи, очамбити, минг япроқли тоғ дасторбоши, катта баргизуб, дала қирқбўғини, доривор маврак, тиканли ковул, афсонак, Максимович равочи, наъматакнинг барча турлари, Анзура пиёзи	0,005
		Арча (меваси), оддий исирик, сув қалампири, куш торон, майда гулли жамбил (тоғ райҳони), дағал қизилшойча, оқ қалдирмоқ, эрманнинг барча турлари, оддий минг япроқ, чебрец, уч бўғимли иттиканак, Туркистон арслон қуйруғи, оддий қамиш (m^3), шўравор цистанхе ва	0,004

	Ўсимликларнинг бошқа турлари ҳамда уларнинг қисмлари	
	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ботаника коллекцияларини (илмий, маданий-маърифий, таълим-тарбиявий ёки эстетик қийматга эга) яратиш учун ўсимликнинг бир донаси учун	0,002
	Ўсимлик шарбати (елим) ва коврак барча турларининг (Қизил китобга киритилган турлар бундан мустасно) илдизи, уруғлигини олиш учун 1 кг хомашё миқдори – шу мақомдаги ўсимлик қийматининг 5 баравари миқдорида	
	Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда Қизил китобга киритилмаган, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини ғамлашга (тўплашга) тўлов мазкур тур учун белгиланган тўловнинг 0,2 фоизи миқдорида ундирилади.	

”;

в) 18-илованинг 6-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

6. Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:	а) жисмоний шахслар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи; б) табиатдан фойдаланувчи юридик шахслар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи.
---	---

”;

д) 20-илованинг 12-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ватандош” картаси эгаларига”;

ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар тегишлича ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 25-илованинг 7-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

7. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилгани учун ундириладиган йиғим:	Юк ташувчилар учун: 100 км га қадар БХМнинг 54 фоизи миқдорида; ҳар бир кейинги километр учун БХМнинг 0,24 фоизи миқдорида. Транспорт воситасининг умумий ҳақиқий массаси рухсат берилганига нисбатан ошганлиги учун тўланадиган тўлов:	
	Умумий ҳақиқий вазннинг йўл қўйиладиган вазнга нисбатан ортиқчалик миқдори, тоннада	Юриладиган 1 км масофа учун тариф, сўмда (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан фоизда)
	0 дан 5 гача	0,08

		5 дан 10 гача	0,12
		10 дан 15 гача	0,24
		15 дан 20 гача	0,42
		20 дан 25 гача	0,63
		25 дан 30 гача	0,97
		30 дан 35 гача	1,39
		35 дан 40 гача	1,94
		40 дан 45 гача	2,66
		45 дан 50 гача	3,59
		50 ва ундан юқори	4,22
		Оғир вазнли транспорт воситаларининг автомобиль йўлларида ўтишида ўққа тушадиган ҳақиқий оғирликнинг (Оф) рухсат берилганга (Од) нисбатан ошганлиги учун тўлов:	
		Ғилдирак ўқи ҳақиқий юкламасининг йўл қўйиладиган юкламага нисбати (Оф/Од)	Ҳар бир ўқнинг йўл қўйиладиган юкламадан ортиқча юкламага 1 км учун тариф, сўмда (базавий ҳисоблаш миқдорида нисбатан фоизда)
		1,01 дан 1,05 гача	0,23
		1,05 дан 1,10 гача	0,25
		1,10 дан 1,15 гача	0,59
		1,15 дан 1,20 гача	0,76
		1,20 дан 1,25 гача	0,89
		1,25 дан 1,30 гача	1,06
		1,30 дан 1,35 гача	1,27
		1,35 дан 1,40 гача	1,48
		1,40 дан 1,45 гача	1,73
		1,45 дан 1,50 гача	2,03
		1,50 дан 1,55 гача	2,32
		1,55 дан 1,60 гача	2,70
		1,60 дан 1,65 гача	3,08
		1,65 дан 1,70 гача	3,59
		1,70 дан 1,75 гача	4,01
		1,75 дан 1,80 гача	4,55
		1,80 дан 1,85 гача	5,15
		1,85 дан 1,90 гача	5,82
		1,90 дан 1,95 гача	6,50
		1,95 дан 2,00 гача	7,30
		2,00 ва ундан юқори	8,44
		Автотранспорт воситалари ҳажмларининг ортиқчалиги учун тўлов юриб ўтилган 1 км йўл учун БХМнинг 0,32 фоизи миқдорида ундирилади.	

”.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 12 апрелдаги 177-сон қарорида:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“чет эл фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга “e-Residency” платформаси орқали шахсий идентификация рақамини бериш”;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

“2¹. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “e-Residency” платформасининг оператори ҳисобланади ҳамда ушбу платформани ишлаб чиқиш ва техник таъминлаш учун харажатлар Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2025 йил 1 октябрга қадар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан масофадан туриб, ариза бериш ҳамда ЖШШИР олиш имконияти бўлган “e-Residency” платформасини ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 йил 15 октябрга қадар ЖШШИР олган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун масофадан туриб, Ягона идентификация тизимидан тўсиқларсиз рўйхатдан ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратсин”;

в) 1-иловада:

3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги “Персоналлаштириш агентлигига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Персоналлаштириш агентлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“e-Residency” платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) – чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга муайян мамлакатда масофадан туриб, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни юритиш ёки давлат хизматларидан фойдаланиш учун идентификациядан жисмонан иштирокисиз ўтиш ва шахсий идентификация рақамини олиш имкониятини берадиган рақамли тизим”;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Талабгорларга шахсий идентификация рақами Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан маълумотларни тўплаш пункти ёки Платформа орқали расмийлаштирилган талабнома асосида автоматлаштирилган тизим орқали шакллантирилади ва берилади”;

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“чет элда бўлган хорижий давлатлар фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга – Платформа орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан”;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – саккизинчи хатбошлар деб ҳисоблансин;

9-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“чет элда бўлган хорижий давлатлар фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга – шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва халқаро стандартларга (ИСО) мос рақамли фотосурати”;

10-бандда:

биринчи хатбоши “маълумотларни тўплаш пунктига” сўзларидан кейин “ёки Платформа орқали” сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Талабгорлар шахсий идентификация рақамини олиш учун маълумотларни тўплаш пункти операторига ўзи келиб (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини ишончли вакили орқали амалга ошираётган чет эл фуқаролари бундан мустасно) ёки Платформа орқали мурожаат этади. Маълумотларни тўплаш пункти оператори талабгорлар номидан ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги электрон талабномани тўлдиради”;

11-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Платформа орқали мурожаат қилган хорижий давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган маълумотлар (бармоқ излари бундан мустасно) билан бирга шахсини тасдиқловчи ҳужжатини (ундаги фотосурат билан бирга) мустақил равишда электрон тизимга киритади ва реал вақт режимидаги юз қиёфаси орқали “liveness detection” усули қўлланилган ҳолда биометрик идентификациядан (Face-ID) ўтади;

13-бандда:

биринчи хатбошидаги “Персоналлаштириш агентлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“чет эл фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун шахсий идентификация рақами уч иш куни давомида Платформа орқали электрон шаклда (Платформа орқали мурожаат қилинганда)”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14-банднинг биринчи хатбошиси ва 17-банддаги “Персоналлаштириш агентлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

1-босқичнинг “Тадбирлар” устуни “муурожаат қилиш” сўзларидан кейин “ёки Платформа орқали талабнома юбориш” сўзлари билан тўлдирилсин;

2-босқичнинг “Тадбирлар” 3-бандидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-босқичда:

“Субъектлар” устунидаги “Персоналлаштириш агентлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устуни қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

“4. Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс учун шахсий идентификация рақамини шакллантириш ва Платформа орқали талабгорга электрон шаклда юбориш”;

“Муддатлар” устуни қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Уч иш кунида”;

2-илованинг II бўлими қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:

“6. Чет элда бўлган хорижий давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва халқаро стандартларга (ICAO) мос рақамли фотосурати”.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 1 июндаги 290-сон қарорида:

а) номи ва 2-банддан “ва Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

номи, 1 ва 2-бандлардан “ва Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансин;

3-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари — Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда вилоятлар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари”;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

ички муҳандислик-коммуникация тармоқлари – Дирекцияларнинг (массивлар, объектлар) бош режаларига мувофиқ Дирекцияларнинг чегарасидан уларнинг ҳудудидаги ишлаб чиқариш майдонлари (объектлар, лотлар) чегарасигача ичимлик суви ва оқова сув, электр энергияси, табиий газ тармоқларини тортиш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш ишлари”;

4 ва 8-бандлар, 29, 36 ва 38 – 40-бандлардаги тегишли келишиқдаги “Молия вазирлиги” сўзлари тегишли келишиқдаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи хатбошисидан “, бундан махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ва “Business city” марказлари ҳудудларидаги ер участкалари мустасно” сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

“Янги Ўзбекистон” массивлари, давлат уй-жой дастурларида назарда тутилган массивлар, йирик инвестиция лойиҳалари, йўлбўйи инфратузилма объектлари, драйвер лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш учун уларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш (қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш) ишлари;

махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари, “Business city” марказларини уларнинг бош режасига асосан ички ва ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари (қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш) ҳамда ушбу Низомнинг 35¹-бандида кўрсатилган харажатлар”;

9-бандда:

биринчи хатбошидаги “Молия вазирлигининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи–еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи–олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги “Молия вазирлигининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Молия вазирлигига” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари Дирекциялари ходимларини рағбатлантириш, “Business city” марказларини сақлаш харажатларини кўриб чиқиш”;

еттинчи хатбошидаги “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддан “ва Давлат бюджети” сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Маҳаллий ҳокимликлар ҳар йили 1 июнга қадар келгуси йил учун жамғармалар даромадлари ва харажатлари бўйича прогнозини тасдиқлаб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади”;

13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инфратузилма лойиҳаларининг манзилли дастури ушбу Низомда белгиланган тартибда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига келишиш учун киритилади”;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирисин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

16-бандда:

биринчи хатбошидаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирисин;

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Низом доирасида ҳудуддаги ишлаб чиқариш, инвестиция, экспорт, маҳаллийлаштириш ва саноат зоналарини ривожлантиришга туртки бўладиган лойиҳалар бўйича таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этишга ҳамда тегишли йўналишда асосланган таклифлар беришга ҳақли”;

17–19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқлангандан сўнг ҳисобот йилининг 20 январига қадар жамғарма даромадлари прогнози доирасида инфратузилма лойиҳаларининг манзилли дастури лойиҳасини тайёрлайди ҳамда уни ҳисобот йилининг 1 февралига қадар тегишли таъминотчи ташкилотлар билан келишган ҳолда маҳаллий ҳокимликларга киритади.

18. Маҳаллий ҳокимликлар ҳисобот йилининг 15 февралига қадар жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инфратузилма

лойиҳалари бўйича манзилли дастурлар лойиҳасини Иқтисодиёт ва молия вазирлигига кўриб чиқиш ва келишиш учун киритади.

19. Маҳаллий ҳокимликлар ҳисобот йилининг 1 мартига қадар инфратузилма лойиҳалари бўйича манзилли дастурлар лойиҳасини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишганидан сўнг уни тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этади”;

20-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

21-бандда:

биринчи хатбошидан “ва Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва тегишлилиги бўйича таъминотчи ташкилотлар” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-бандда:

учинчи хатбошидан “Тошкент шаҳри бўйича — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси давлат унитар корхонаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошидан “ва Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансин;

23-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баёнига” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари қарорига” сўзлари билан алмаштирилсин;

25-бандда:

биринчи хатбошидаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

26-бандда:

биринчи хатбошидаги “Молия” сўзи “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

28-банддаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда Молия” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. Жамғарма ҳисобварақларидаги маблағларни ушбу Низомда назарда тутилмаган мақсадлар учун, шу жумладан, вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

Жамғармаларнинг фойдаланилмаган ҳамда буюртмачиларнинг мажбуриятлари бўйича қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан тўлиқ молиялаштирилмаган маблағлар Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва келгуси йилга ўтказилиб, мақсадли равишда сарфланади”;

32-банднинг “б” кичик бандида:

биринчи хатбошидаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш” сўзлари билан алмаштирилсин;

33 ва 34-бандлардаги “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 8¹-боб билан тўлдирилсин:

“8¹-боб. Жамғармалар маблағлари ҳисобидан Дирекциялар харажатларини молиялаштириш тартиби

35¹. “Business city” марказларининг қуйидаги харажатлари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади:

ер участкалари ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши, уй-жойлар, нотураж жой бино ва иншоотлар бузилиши сабабли мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш;

худудлар тозаланиши, ер ишлари бажарилиши, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг майдон ички тармоқлари қурилиши, умумий фойдаланиладиган худудлар ободонлаштирилиши;

реклама кампаниялари ва тақдимот тадбирлари ўтказилиши, шунингдек, маҳаллий, хорижий консалтинг ва архитектура компаниялари хизматлари учун харажатлар;

Дирекцияларни сақлаш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари.

Ушбу харажатлар учун маблағлар Дирекцияларнинг ҳисобрақамларида ҳомийлар маблағлари, кредитлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан туширилган маблағлар етишмаган тақдирда, Дирекцияларнинг талабномасига асосан ўтказилади.

Бунда Дирекцияларни сақлаш харажатлари тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ ажратилади.

35². Махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари Дирекциялари жамғармалар маблағлари ҳисобидан зоналарда инфратузилма яратиш, бош режаларни ишлаб чиқиш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, Ягона Дирекциялар ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича таклиф ва талабномалар киритиши мумкин.

Бунда Ягона Дирекциялар ходимларини рағбатлантириш ҳисобот даврида (ҳар чорак) эришилган молиявий-иқтисодий натижаларга асосан (балансдаги бўш майдонларга инвестиция лойиҳаларининг жойлаштирилиши, электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилган бўш ер майдонлари, ижара тўловларининг ундирилиши, пулли хизматлар кўрсатилиши) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари қарорига асосан амалга оширилади.

35³. Дирекцияларнинг ерларини реализация қилиш ҳисобидан жамғармаларга ўтказилган маблағлар тегишли Дирекциялар харажатларига йўналтирилади.

Инфратузилма объектлари ушбу Низомда белгиланган тартибда молиялаштирилади (“Business city” марказлари Дирекциялари бундан мустасно);

37-бандда:

биринчи хатбошидаги “Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр” сўзлари “Давлат активларини бошқариш” сўзлари билан алмаштирилсин;

“а” кичик банддаги “жамғармаларга” сўзи “ва кичик саноат ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари, “Business city” марказлари ерларини реализация қилишдан жамғармаларга ўтказилиши белгиланган маблағларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банддаги “Молия” сўзи “Иқтисодиёт ва молия” сўзлари билан алмаштирилсин;

41-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Жамғармалардан ажратилган маблағларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари инфратузилма лойиҳаларининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича манзилли дастурлар, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳамда фойдаланишга топширилган объектлар тўғрисидаги ахборотларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, белгиланган тартибда расмий веб-сайтида эълон қилиб боради”;

43-банддаги “Молия вазирлигининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

илова куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг
тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш
жамғармалари маблағларини шакллантириш ва
улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Инфратузилма лойиҳаларини жамғармалар маблағлари ҳисобидан
молиялаштириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Келгуси йил учун жамғармалар даромадлари ва харажатлари прогнозини тасдиқлаб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади	Ҳар йили 1 июнга қадар
2-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқлангандан сўнг жамғарма даромадлари прогнози доирасида инфратузилма лойиҳаларининг манзилли дастури лойиҳасини тайёрлайди	Ҳисобот йилининг 20 январига қадар
3-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Инфратузилма лойиҳаларининг манзилли дастури лойиҳасини тегишли таъминотчи ташкилотлар билан келишган ҳолда маҳаллий ҳокимликларга киритади.	Ҳисобот йилининг 1 февралига қадар
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Инфратузилма лойиҳаларининг манзилли дастурлари лойиҳасини Иқтисодиёт ва молия вазирлигига кўриб чиқиш ва келишиш учун киритади.	Ҳисобот йилининг 15 февралига қадар
5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Инфратузилма лойиҳалари бўйича манзилли дастурлар лойиҳасини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишганидан сўнг тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларига киритади.	Ҳисобот йилининг 1 мартига қадар

6-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари қарорига асосан инфратузилма лойиҳаларининг манзилли дастури тасдиқлангандан сўнг жамғармаларга ҳақиқатда тушган маблағлар доирасида буюртмачиларга (таъминотчи ташкилотларга) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда тендер ва танловларни ўтказиш учун тегишли кўрсатмаларни юборади.	Ҳисобот йилининг 10 апрелига қадар
7-босқич	Буюртмачи ташкилотлар (таъминотчи ташкилотлар)	Тасдиқланган манзилли дастурга асосан инфратузилма лойиҳалари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда бош пудрат ташкилотини аниқлайди.	Ҳисобот йилининг 20 майига қадар
8-босқич	“Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖнинг худудий филиаллари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Электр энергияси ва газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан тегишли шартнома тузган ҳолда бюджет ссудаси олинади. Ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича манзилли рўйхатларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг худудий бошқармалари билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.	Манзилли дастур тасдиқлан- гандан сўнг
9-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг худудий бошқармалари	Тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва ссуда шартномаларига асосан белгиланган тартибда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириб боради.	Харажатлар графики бўйича

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Спортчиларга спорт паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 24 июлдаги 309-сон қарорида:

а) 1-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“спорт паспортининг амал қилиш муддатини чекланмаган ҳолда белгилаш”.

6-банддаги “ёшлар сиёсати ва спорт вазири” сўзлари “спорт вазири” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Спорт паспорти чекланмаган муддатга берилади”;

15-бандда:

“а” кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги “20” рақами “18” рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “ваколатли органнинг” сўзлари “ваколатли орган ҳузуридаги “Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банднинг тўртинчи хатбошисидаги “ваколатли органнинг” сўзлари “ваколатли орган ҳузуридаги “Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишда хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди”;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

19 ва 20-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Ваколатли орган ариза келиб тушган кундан бошлаб бир иш кун ичида:

маълумотнома-анкетада кўрсатилган маълумотларни текширади;

спортчи ҳақидаги тегишли маълумотларни ягона электрон бошқарув тизимига киритади;

спорт паспортини мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда ва тавсифда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди;

спорт паспортини ягона электрон бошқарув тизимида қайд қилади;

спорт паспорти расмийлаштирилгандан сўнг давлат хизматлари марказига (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ариза берувчи ёхуд унинг қонуний вакилига (электрон шаклда мурожаат қилинганда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

20. Ариза берувчи спорт паспорти расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг давлат хизматлари марказига келиб, электрон шаклдаги спорт паспортини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маълумотнома-анкетасида ариза берувчи томонидан спорт паспортини олиб кетишга масъул шахс кўрсатилган ҳолатларда, спорт паспорти ушбу шахсга тақдим этишда тегишли ишончнома талаб этилмайди”;

21-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

25 ва 26-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Спорт паспорти спортчининг фамилияси, исми ва (ёки) отасининг исми ўзгарганда алмаштирилади.

26. Спорт паспортини қайта расмийлаштириш учун ариза ваколатли органга давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади.

Спорт паспортини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олдин берилган спорт паспорти илова қилинган ҳолда, ваколатли органга келиб тушган кундан бошлаб бир иш кuni ичида спорт паспорти қайта расмийлаштириб берилади.

Спорт паспортини қайта расмийлаштиришда реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Спорт паспортини қайта расмийлаштиришда спорт паспортини берганлик учун йиғим ундирилмайди”;

1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Спортчиларга спорт паспортини бериш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

**Спорт паспортини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Спорт паспортини олиш учун давлат хизматлари марказига ёки электрон тарзда ЯИХДП орқали мурожаат қилади. 2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғимни тўлайди.	1. Ўз хоҳишига кўра. 2. Мурожаат қилинганда.
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази. 2. ЯИДХП.	Маълумотнома-анкетани Спорт вазирлигига (кейинги ўринларда – ваколатли орган) юборади.	Реал вақт режимида
3-босқич	Ваколатли орган	Спортчининг маълумотнома- анкетасида кўрсатилган маълумотларни текширади, спортчи ҳақидаги тегишли маълумотларни ягона электрон бошқарув тизимига киритади, спорт паспортини QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИСи билан тасдиқлайди, спорт паспортини ягона электрон бошқарув тизимида қайд қилади, спорт паспорти расмийлаштирилгандан сўнг давлат хизматлари марказига (ўзи келган ҳолда мурожаат қилинганда) ёки ариза берувчи ёки унинг қонуний вакилига (электрон шаклда мурожаат қилинганда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.	Мурожаат келиб тушгандан сўнг 1 иш кунида
4-босқич	1. ЯИДХП. 2. Давлат хизматлари маркази.	1. Спорт паспортини электрон шаклда ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва уни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. 2. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра унга спорт паспортини электрон ёки қоғоз шаклида беради.	1. Спорт паспорти электрон шаклда келиб тушгандан сўнг ўн дақиқа мобайнида. 2. Ариза берувчининг сўровига кўра.

3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Спортчиларга спорт паспортини бериш
бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

НАМУНА

**Спорт паспортининг
ШАКЛИ**
(олд томони)



(орқа томони)



Спорт паспортининг ТАВСИФИ

Спорт паспорти электрон шаклида, Лотин ёзувидаги давлат тилида тайёрланади. Паспортнинг ранги – оч яшил. Серия рақами учта ҳарфдан ва еттита рақамдан иборат бўлади.

Спорт паспортида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) бўлади.

Спорт паспорти қуйидаги маълумотларга эга:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири шакли;

Микроматн – “SPORT PASPORTI”;

паспортнинг олд ва орқа томонларида 5 қаторли горизонтал, тўлқинсимон чизиқ шаклидаги “O‘zbekiston Respublikasi Sport vazirligi” тўлқинли чизиқларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

паспортнинг олд томони юқори қисмида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRLIGI” логотипи билан тасвирланади, горизонтал кўринишда “SPORT PASPORTI” ва паспорт рақами ёзилади, паспортда 3x4 ўлчамли оқ фондаги спортчининг фотосурати ва унинг устидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилади, фотосуратнинг ўнг томонида спортчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва паспорт берилган санаси ҳамда қуйи қисмида спорт паспортининг серия рақами ёзилади (сериянинг биринчи ҳарфи лотин алифбосидаги “S” ҳарфи билан бошланади), паспортнинг ўнг томони қуйи қисмида спортчининг махсус ҳимоя QR коди жойлашади.

Паспортнинг орқа томони юқори қисмида “USHBU SPORT PASPORTI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRLIGI TOMONIDAN BERILGAN” деган сўзлар ҳамда спорт муассасаси, спорт тури ҳамда спорт разряди ёки унвони ёзилади”.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги келишувларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш ҳамда кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 7 июндаги 324-сон қарорида:

а) 6-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг ўринбосари” сўзлари “Ваколатхона директори” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-илованинг 9-банди биринчи хатбошисидан “Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари –” сўзлари чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 сентябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомда:

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“яшил меҳмонхона” – экологик маркировкалаш сертификатини олган меҳмонхона”;

б) 4-бандда:

еттинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда мазкур талаб Маданий мерос агентлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази томонидан ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва (ёки) тоғли ва тоғолди ҳудудларда (кадастр ҳужжатлари асосида аниқланади) жойлашган меҳмонхоналарга нисбатан татбиқ этилмайди”;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“яшил меҳмонхона” бўлиши”.

Изоҳ. Ушбу илованинг 20-банди “б” ва “в” кичик бандлари ҳамда 21-банди “а” кичик банди 2026 йил 1 январдан қучга киради.

